

ЎРТА АСР ЖАҲОН АДАБИЁТИ НАМУНАЛАРИНИНГ ЎЗБЕК ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ НАМУНАЛАРИ БИЛАН ЎХШАШЛИКЛАРИ

Ш.Рузимов – ассистент ўқитувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: ализм, маданият, илохий, сеҳргарлик, матонат, дoston, муболаға, епископ, ҳалоллик.

Ключевые слова: феодализм, культура, божественный, магия, храбрость, эпос, преувеличение, епископ, верность.

Key words: feudalism, culture, divine, magic, courage, epos, exaggeration, bishop, faithfulness.

Ўрта аср адабиёти қулдорлик жамияти ўрнида вужудга келган янги ижтимоий тузум – феодализм негизда шаклланади.

Католик черкови феодализм тузумни худо ёрлақан саодатли тузум даражасига кўтаради.

Ибтидоий жамоа тузуми шароитида яшаган герман қабилалярининг анча ривожланган оғзаки адабиёти бўлганлиги ҳақида Юлий Цезарь, Тацит ва бошқа тарихчиларнинг асарларида маълумотлар бор.

Қадимги герман эпосининг қобила ҳаётини акс эттирган бирдан-бир намунаси “Хильдебрант ҳақида кўшиқ”дан қолган парча бўлиб, у VIII асрда ёзиб олинган [1:11].

“Хильдебрант ҳақида кўшиқ”да халқларнинг кўчманчилик давридаги курашлари тасвирланган. Герман Хильдебрант гунн Аттила саройида хизмат қилиб, ўз туғишганларига қарши қўл кўтаради. “Кўшиқ”даги фожиа ота билан бола тўқнашувига сабаб бўлган, қутилмаган воқеадагина эмас, балки қахрамоннинг мураккаб ички кечинмаларида ва ҳарбий бурч билан оталик ҳисси ўртасидаги зиддиятда ҳам намён бўлади.

“Кўшиқ”нинг охири сакланмаган, лекин шунга қарамай воқеаларнинг мантиқи ҳамда халқ эпоси аъналарига биноан, масалан, шарқ адабиётида Фирдавсийнинг “Шохнома”сидаги Рустам билан унинг ўғли Сухроб, рус эпосидаги Илья Муромец билан Сокольник, кельт эпосидаги Кухулун билан Конлайх ўртасидаги тўқнашувларнинг барчасида ота анчадан бери кўрмаган ўғлига дуч келиб, уни танимай ўлдириб қўйгани каби, бу асарда ҳам ўғил Ходубрантнинг фожиаи ўлими билан тугаганлигини тахмин қилиш мумкин [1:2].

Ирландия қадимги кельт маданиятининг маркази эди. Ирланд эпосининг энг қадимги қисми улад циклидаги кассалардир.

«Куальнгендан бука ўғирлаш».

Коннахр қироличаси Медб уладларнинг зўр бир буқасини тортиб олиш баҳонасида уларга ҳужум қилади. Бу вақтда бутун улад сеҳрли дардга чалинган эди. Фақат Кухулин, гўё илохий авлодга мансуб бўлганидан, касал бўлмайди. Шунинг учун ёлғиз Кухулиннинг ўзи бутун Ирландияни уч ой давомида душман ҳужумидан ҳимоя қилади, дарё кечувида туриб олиб, сеҳргарлик билан душман аскарларини яккама-якка қелишга мажбур этади ва уларни бирма-бир мағлубиятга учратади. Уладлар касалликдан тузалиб, ёрдамга келганларидан кейин, душман бутунлай тор-мор этилади.

Бу воқеа акс этган “Куальнгендан бука ўғирлаш” кассасида Кухулиннинг матонати ақли ва қахрамонлиги тўлиқ гавдалаган. Бу эпос ўз мазмуни билан юнон эпоси Илидага ўхшайди. Лекин уруш аёл туфайли эмас бука туфайли юзага қилиши билан фарқ қилади [1:17].

Кельт кассаларида қахрамонларнинг куч қудратини ифодалашда муболағадан кенг фойдаланилган. Масалан, Кухулинда “жанговар ғазаб” туғилганда бутунлай ўзгариб, дахшатли тусга қиради, бўғинлари титрайди, тавон ва тиззалари буралиб, суяклари ўз ўрнидан қўзғалади. Мускуллари муштумдай бўртиб чиқади. Бир кўзи ичкарига ботиб, иккинчиси эса ташқарига чакчайиб чиқиб кетар эди... Оғзи қулоқлари томон кенгайиб бориб тишларининг

ғижирлашидан учқун чакнади. Юрагининг тепиши йўлбарснинг бўкиришига ўхшарди. Унинг дахшатли ғазабидан булутларда чакмоқ пайдо бўларди. Бошидаги сочлари тоғолча дарахтининг новдалари сингари чалқшиб кетар эди [2:340-341]. Кухулиннинг Фердинанд билан жанги” кассасидаги мазкур тасвир ўзбек халқ қахрамонлик эпоси “Алпомиш”даги қалмоқ пахлавонлари тасвиридаги муболағани эслатади.

Кухулиндаги заифларга ва эзилганларга ёрдам бериш, ваъдага вафо қилиш, кўпчилик манфаатини ҳимоя қилиш каби ҳусусиятлар унинг олийжаноблигидан далолат беради. У, вақти келганда бир ўзи ҳам ватанини ёвуз душмандан ҳимоя қилади. Кухулин куч-қудрати, ақл заковати, жасур ва чакқонлиги, душманга шафқатсиз ва дўстларга садокатли ҳамда адолатли бўлиши билан ўзбек эпосининг қахрамони Алпомишни эслатади [1:19].

Қадимги немис адабиётининг ёдгорликлари ўз даврининг махсули бўлиб, бу ёдгорликларда феодализм жамиятидаги ҳаёт ва курашлар ўз ифодасини топган.

“Нибелунглар ҳақида кўшиқ” ўрта аср тартибларининг мадҳияси эмас, балки феодализм ибтидоини фoш этувчи буюк ёдгорликдир. Поэманинг реализми ва халқчилик элементлари диққатга сазовор. Булар ижобий образлар тасвири ва талқинида очиқ кўринади.

“Кўшиқ” билан ўзбек қахрамонлик эпосининг ажойиб намунаси-“Алпомиш” дostonи ўртасида баъзи ўхшашликларни пайқаш мумкин. Дастлабки ўхшашлик бош қахрамонларнинг хулқ атвори, қудрати ва абжирлигида кўринади. Халқ ўз ижодида ўз пахлавонларини шикастланмайдиган кишилар қилиб тасвирлайди. Ўзбек дostonининг қахрамони Алпомиш “ўтга солса қуймас, қилич солса ўтмас” баҳодир сифатида гавдаланади. Зигфрид ҳам шундай қахрамон, лекин юқорида таъкидланганидек, унинг ўқ ўтадиган заиф жойи бор. Брюнхильда билан Барчиннинг ўз ошиқлари олдига қўйган синов-шартларида ҳам ўхшашликлар мавжудлигини пайқаш қийин эмас. Лекин Алпомиш Барчиннинг синовларида ҳалоллик билан ўтади, кўп машаққатларни енгиб, охирида севишганлар мурод мақсадларига етадилар. Немис эпосида эса соҳибжамол Брюнхильданинг синовларини бажаришга қирол Гунтернинг қурби етмайди, шу сабабли ҳам у Зигфриднинг кўмагига муҳтож бўлади. Гунтернинг сохта қахрамонлиги уларни фожиаи ҳалокатга олиб боради [1:45-46].

Француз адабиётида кенг тарқалган фаблио типидagi ҳикоялар шарқ адабиёти, шунингдек, ўзбек адабиётида ҳам мавжуддир. Ўзбек халқ ижодининг асосий турларидан ҳисобланган эртақ жанри демократик руҳи, реалистик характери билан ажралиб туради. Уларда шоҳларнинг зулми, бойларнинг адолатсизликлари, қози ва уламоларнинг очкўз ва маиший бузуқликлари очиқ ташланади.

Штриккернинг “Поп Амис” ҳажвий ҳикоялар тўплами марказида эпчил ва масҳарабоз поп туради. Муаллиф бу ҳикояларида XIII аср Европа ҳаётининг турли-туман манзараларини акс эттиради. Шоир католик черкови руҳонийларининг очкўзлиги, феодализм дворянларнинг такаббурлигини фoш қилади ва ўрта аср диний эътиқодларини сатира орқали ифодалайди.

Епископ поп Амиснинг катта бойлик орттирганини билгач, ундan бир қисмини қўлга

киритиш, попни эса ўзига бўйсундиришни кўзлайди. Амисга оғир саволлар бериб, уни лол қолдирмоқчи бўлади. Лекин поп ҳамма саволларга донолик билан жавоб қайтаради. Ниҳоят, епископ унга эшакнинг саводини чиқаришни топширади. Поп таврот саҳифаларига сули сочиб қўйиб, эшакни ўша ердан овқатланишга ўргатади; бироз вақтдан сўнг эшакни епископ хузурига олиб келиб, унинг саводи чиққанини маълум қилади. Эшак одати бўйича китоб саҳифаси устидан ем емоқчи бўлади, лекин ҳеч нарса кўрмагач, тумшуғи билан бошқа варақни очиб, овқат излайди, эшак ҳеч нарса йўқлигидан пишқириб, янги-янги варақларни оча бошлайди. Худди шу вақтда поп ана кўрдингизми, эшак китобни ўз тилида ўқияпти, деб епископни ишонтиради [1:75].

Ўзбек халқ оғзаки ижодидан.

Подшоҳ Афандини чақириб унга бир эшакни саводли қилиб беришни топширади. Афанди икки юз танга пул ва икки ой муҳлат сўрайди.

Подшоҳ Афандининг илтимосини қондиради. Афанди хазинадан икки юз танга пулни олиб, уйига бориб катта-катта сарф қилади. Подшоҳнинг муҳлати

ўтгач, эшакни етаклаб олдига келади ва топшириқни бажрганини айтади.

Подшоҳнинг саройига саркардалар, мударрис ва уламолар тўпланади. Афанди эшакни ўртага олиб чиқиб, олдига китобни қўяди. Эшак тили билан куронни варақлаб, охирги саҳифасига етгач, бошини кўтариб, Афандига қараб ханграйди.

Подшоҳ хурсанд бўлиб, Афандига яна икки юз танга инъом қилади ва ундан эшакни қандай қилиб мулла қилганини сўрайди. Афанди уйида китобнинг орасига арпа сочиб, эшакнинг олдига қўйганини айтади. У арпанинг хидини билиб, тили билан уни варақлаб очиб, арпани териб еганлигини, баъзан китобнинг орасига ҳеч нарса сочмасдан қўйганида эшак уни варақлаб, унинг орасидан арпа топа олмай, хафа бўлиб ханграганини айтади [3:201].

Қаҳрамонлик эпослари хусусида мулоҳаза юритганимизда Ғарб ва Шарқ халқлари ижоди ўртасида баъзи бир яқинлик ва ўхшаш сюжетлар мавжудлигини ўша давр халқларининг жамиятнинг муайян бир тараққиёт босқичида яшаб, келажақ бахтли кунлар ҳақидаги яхши истак орзуларининг муштараклиги билан изоҳлашимиз мумкин.

Адабиётлар

1. Қайюмов О. Чет эл адабиёти тарихи. –Тошкент: “Ўқитувчи”, 1979.
2. “Ирландские саги”. –Москва: 1956.
3. “Афанди латифалари”. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. –Тошкент: 1990.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада Ғарб ва Шарқ халқлари оғзаки ижоди намуналари ўртасидаги ўхшашлик ва тафовутлар кўрсатиб берилган. Аниқроғи, VIII асрга тегишли “Хильдебрант ҳақида кўшиқ”да герман халқларининг қўчманчилик давридаги курашлари ва унинг Фирдавсийнинг “Шохнома”си билан ўхшашликлари баён этилган. Бунга қўшимча равишда Ирланд эпоси «Куальнгендан буқа ўғирлаш»нинг Юнон эпоси “Илиада”га ўхшашлиги кўрсатиб ўтилган.

РЕЗЮМЕ

В статье показаны сходства и различия между фольклорными произведениями Запада и Востока. Например, войны между племенами в период миграции были описаны в немецком фольклоре племён в книге “Песни о Хильдебранте”, которая принадлежит восьмому столетию. Рассматриваются также сходства с произведением “Шохнома” Фирдаусий. Анализируются также сходства между ирландским эпосом “Захват быка из Куальнген” и греческим эпосом “Илиада”.

SUMMARY

The article deals with similarities and differences between the works of folklore of the West and the East. For example, the wars between tribes at the period of migration were displayed in German tribes' folklore “Song about Hildebrandt” which belongs to the eighth century and the author also shows the similarities with the “Shohnoma” by Firdausi. In addition, similarities between an Ireland epos “Stealing a bull from Cualngan” and a Greek epos “Iliad” were shown too.

БЕРДАҚНИНГ «ШАЖАРА» ДОСТОНИДА ОБРАЗЛАРНИНГ ЯРАТИЛИШИ

А.Угамбетова – филология фанлари номзоди,

10.00.12-қарақалтақ адабияты қангелигининг докторанты

ЎЗРИА Қарақалтақстан бөлими Қарақалтақ гуманитар илимлер изертлеу институти

Таянч сўзлар: достон, шажара, образ, реал, бадиий, яратмоқ.

Ключевые слова: поэма, шежере, образ, реал, художественный, создавать.

Key words: poem, shejire, image, real, artistic, to create.

Буюк Бердақ шоирнинг «Шажара» достони юксак бадиий савиядаги поэтик асар сифатида бизгача етиб келган. «Ерназар бий», «Айдос бий», «Амангелди», «Ахмоқ подшо» ва «Хоразм» достонлари сингари «Шажара» достони ҳам шоирнинг кўп йиллик изла-нишлари натижаси эканлиги аён. Туғри, олимларимиз мазкур асар тўғрисида қатор фикрлар билдирганлари билан, истиқлол даври нуқтаи назаридан асар ҳақида янгича фикрлар билдириш мақсадга мувофиқ. До-стондаги реал тарихий воқеалар, бадиий образлар яра-тилиши масаласи энг қизиқарли жиҳатлардан биридир. Достондаги Айдос образи бадиий жиҳатдан юқори даражада яратилган образдир.

Масалан: «Шажара» достонида шундай дейилади:

Ботирда бордур олтин тахт,

Худо берди ҳам давлат бахт.

Айдос бий, Қутлимурут иноқ,

Қўшин тортиб келган экан.

«Қорақалпоқ оғзаки ижоди, афсоналари ва чечан-лар сўзлари», Китобида «Айдос бий», «Айдос бий би-лан Бегис ва Миржиқ», «Хева хонлиги ва қорақалпоқ

бийлари» мавзуидаги ривоятларда Айдос тўғрисида маълумотлар сақланган. «Айдос бий» номли ривоятда у ҳақда қуйидагича фикр мавжуд. «Бутун элнинг му-аммосини ҳеч тап тортмасдан, кўп олдида хал қилар» деган фикр ҳам бўлган, умидворлар унинг шу пайтдаги фикрларидан сўзларига жавоб топгандек суюнишарди. Баъзи кишиларга танила бошлаган боланинг мардлиги, тўғрисиқлиги қувват беради. Лекин, Айдос шундай даражада айрим кишилар назарига тушса-да, у гўдак таваккалчи бўлади. Гап-сўз тарқатганларни ҳам тўғри сўзлаганларни ҳам бир қарашда баҳолайдиган, билим-сиз кишининг ҳаёти билан баробар ишнинг чигалини ечишга уста, йигит бўлиб, эл бошқарувчилар қаторига қўйилади [1:36].

Қ.Мақсатовнинг «Бердақ, ижодининг ўрганили-ши, «Шажара»сининг халқчилиги» илмий ишида: «Бердақ «Шажара»си, бу аввало, бадиий асар, унда тарихий фактлар бадиий тасвирлар билан, ўзгаришлар билан берилади. Шунингдек, ундан оғзаки ижод наму-налари, ривоят, афсоналар ўрин олган» деб фикр бил-диради [2:48]. Шундай қилиб, шоир тарихий реаллик